



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

### “ОБОД ҚИШЛОҚ” ВА “ОБОД МАҲАЛЛА” ДАСТУРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили” да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-6155-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга оширишни изчил давом эттириш орқали ҳудудларнинг йўл-транспорт инфратузилмаси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ҳамда ижтимоий соҳа объектларини ривожлантириш ва шу асосда аҳолининг фаровонлиги ҳамда турмуш даражасини янада юксалтириш мақсадида:

1. Белгилансинки, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари (кейинги ўринларда — Дастурлар) доирасида:

а) қишлоқлар (маҳаллалар) рўйхати қуйидаги мезонлар асосида шакллантирилади: **олис ва табиий-иқлим шароити оғир** ҳудудларда жойлашганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига аҳоли томонидан йўл-транспорт инфратузилмаси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектлари бўйича келиб тушган мурожаатлар сони;

аҳоли ва тадбиркорларда ўзлари истиқомат қилаётган (жойлашган) қишлоқ (маҳалла) ҳудудини биргаликда ободонлаштириш юзасидан ташаббусларнинг мавжудлиги;

“Туризм маҳалласи”, “Туризм қишлоғи” ёки “Туризм овули” мақомига эгаллиги;

б) қишлоқларда (маҳаллаларда) амалга оширилаётган қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини ҳамда уларни молиялаштириш учун талаб этиладиган маблағларни туман (шаҳар) ҳокимликлари маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари билан биргаликда тегишли туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгашларида ҳимоя қилади;

в) ҳар бир қишлоқни (маҳаллани) ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тегишли қишлоқдаги (маҳалладаги) мавжуд имкониятлар, аҳолининг узоқ йиллар давомида шакланган салоҳияти, тадбиркорлик муҳити ва “ўсиш нуқталари” инобатга олинган ҳолда белгиланади;

г) маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан:

аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, жойларда оқова сув хандақлари ва санитария иншоотларини барпо этиш;

электр таъминотини, жумладан, трансформаторлар ва нимстанциялар ҳолатини яхшилаш, алоқа ва ахборотлаштириш тизимини модернизация қилиш, аҳолига газ

ёқилғиси узлуксиз етказиб берилишини ташкил этиш;

ички автомобиль йўллари, пидедалар йўлакларини, транспорт тўхташ бекатлари ва бошқа йўл инфратузилмасини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш, йўлбўйларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш; қишлоқ ва сув ҳўжалиги инфратузилмасини ривожлантириш, ирригация тизимларини барпо этиш, сизот сувлар сатҳини пайасириш, ариқларни тозалаш ва фойдаланишдан чиқиб кетган ерларни фойдаланишга киритиш;

ижтимоий соҳа объектлари, жумладан, мактабгача таълим ташкилотлари, умумий ўрта таълим мактаблари, соғлиқни сақлаш муассасалари, шунингдек, туризм объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш билан боғлиқ тадбирлар амалга оширилади.

2. Дастурларни 2021 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари доирасида туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгашлари томонидан:

мазкур қарорнинг 1-банди “а” кичик бандида белгиланган мезонлар асосида ҳар бир туман ва шаҳардан қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилаётган жами 397 та қишлоқ ва маҳалла танлаб олинганлиги;

▶ Давоми 2-бетда

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

### АНДИЖОН ВИЛОЯТИ АСАКА ТУМАНИНИ ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА АРХИТЕКТУРА ҚИЁФАСИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Андижон вилояти Асака туманининг архитектура қиёфасини янада яхшилаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 декабрдаги ПҚ – 4937-сон қарори билан тасдиқланган 2021 йилда инвестиция лойиҳалари доирасида инвестиция ва кредитларни ўзлаштириш бўйича йиғма манзилли дастурга мувофиқ “Asaka city” турар жой мажмуасини қуриш лойиҳасини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Андижон вилояти Асака тумани “Чек” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида “Asaka city” замонавий кўп функцияли мажмуани (кейинги ўринларда — “Asaka city” мажмуаси) барпо этиш учун 53,3 гектар ер майдони танланганлиги;

“Avtosanoat-Injiniroing” МЧЖ “Asaka city” мажмуаси лойиҳасининг (кейинги ўринларда — Лойиҳа) бош режасини (батафсил режалаштириш лойиҳасини) ишлаб чиқиш бўйича буюртмачи этиб, “Tashgiprogog” АЖ эса танлов асосида бош лойиҳа ташкилоти этиб белгиланганлиги;

2020 йил 31 декабрга қадар Лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар (лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, қурилиш-монтаж ишларига рухсат олиш, тайёргарлик ишлари ҳамда Лойиҳани амалга ошириш бўйича бошқа харажатлар) “Avtosanoat-Injiniroing” МЧЖ томонидан ўз

маблағлари ҳисобидан амалга оширилганлиги;

“Avtosanoat-Injiniroing” МЧЖ томонидан автомобилсозлик sanoati ходимларини арзон турар жойлар билан таъминлаш мақсадида “Asaka city” мажмуасида бир қатор намунавий кўп квартирали уйларни қуриш ишлари бошланганлиги;

2021 йилдан бошлаб “Asaka city” мажмуасида объектларни қуриш инвесторларнинг маблағлари, шу жумладан, кредитлар, ҳомилик хайриялари ва қонунчилик ҳужжатларида таққиланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Андижон вилояти ҳокимлиги ва “Ўзавтосаноат” АЖнинг Андижон вилояти, Асака тумани, “Чек” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги туман ҳокимлиги захирасида бўлган, қишлоқ ҳўжалигида фойдаланиш учун яроқсиз аҳолига келиб қолган 53,3 гектар суғориладиган тошлоқ ва унумдорлиги паст бўлган ер майдонида Лойиҳани амалга ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Андижон вилояти ҳокимлиги Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги билан биргаликда бир ой муддатда Лойиҳани амалга ошириш учун ушбу банднинг биринчи хатбошида назарда тутилган ер майдони “Avtosanoat-Injiniroing” МЧЖга ажратилишини таъминласин.

▶ Давоми 2-бетда

## МУНОСАБАТ

### ЎЗЛИК САРИ ЙЎЛ



Кудратилла РАФИҚОВ,  
сиёсатшунос

Янгиланаётган Ўзбекистон замонавий ҳамжамиятга ўз миллий қиёфаси билан юз тута оладими, ва умуман, маданиятлар қоришиб кетаётган бугунги глобал дунёда мафкура қай даражада керак? Умуммиллий тараққиётимизда мафкуранинг ўрни қандай? Зиёлилар, раҳбарлар, оддий одамлар учун миллий мафкура нима? Мамлакатимизда миллий мафкурани шакллантириш ва тарғиб этиш сиёсати мавжудми?

Бу саволлар моҳият эътибори билан 130 йил қарамликда бўлган миллий тафаккуримизни “қўтқаришда” муҳим аҳамият касб этади. Зеро, кечаётган 30 йилга яқин вақт ичидаги мустақиллик даврида жамият “сийрати” ўзгариши анчайин қийин кечди. Бу бир томондан ўтиш давридаги маҳдудлик билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, давлатнинг ўзи жамиятнинг миллийлашувидан чўчиди, уни кескин назоратда ушлаб турди.

Бугунги Ўзбекистон ҳукумати ҳаракатлари эса бу борада қозиллини эмас, мазкур ижтимоий жараёнга рағбатни

назарда тутмоқда. Зотан, жамиятни ҳукумат истак-хоҳишига қараб эмас, балки миллий анъаналар ва тарихий ўзликка мос тарзда модернизациялаш кўзланаётган мақсад — давлатнинг миллий қиёфасини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Шубҳасизки, зикр этилган дискурсда тил — миллий тил ҳал этувчи восита, масаланинг ўзаги вазифасини ўтайди. Миллатнинг тили эътиборда бўлмас экан, миллият, ўзлик, мафкура ҳақида гапириш ортиқчалик қилади, назаримда.

▶ Давоми 3-бетда



## НАВОЙИГА ЭҲТИРОМ

### АДОЛАТ КУЙЧИСИ

#### ёхуд барча давр ва мамлакатлар учун долзарб мавзу

Шоҳи иш адл ила бунёд этар,  
Адл бузуқ мулкни обод этар.

Алишер Навоийнинг мазкур байти ўзбек китобхонларига яхши маълум. Дарҳақиқат, мамлакат ҳукмдори юртида адолат билан раҳнамолик қилса, бу адолат ҳатто камчиликларга эга мамлакатни ҳам обод қилади. Инсоният пайдо бўлибдики, қонунга эҳтиёж бор. Чунки жамиятни фақат адолатли ва мақбул қонунлар асосидагина тўғри бошқариш мумкин. Қонун шоҳу гадога баб-баробар тартибқоидалар мажмуасидир.

Қадимдан ўз миллий давлатчилигига эга бўлиб келган бир халқ сифатида бизда ҳам азал-азалдан давлат қонунчилиги бўлганини доимо ёдда тутишимиз керак. Мумтоз адабиётимизда кенг тарғиб утилган адолат ғояси асосида ҳам ана шу қонунчилик ётган. Адолат ғоясини ҳадди аълосида илгари сурганлардан бири буюк шоир ва мутафаккир Низомиддин Мир Алишер Навоийдир. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорида мутафаккир бобомизнинг ҳаёти ва меросини 2021 йил давомида кенг миқёсда нишонлаш ва ўрганиш назарда тутилган.



Баҳром АБДУҲАЛИМОВ,  
Фанлар академияси вице-президенти,  
тарих фанлари доктори, профессор

▶ Давоми 6-бетда

## ВАКЦИНАЦИЯ

### ЭМЛАНГАНЛАР ШИФОКОРЛАР НАЗОРАТИДА

Мнажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Мамлакатимизда шу йилнинг апрель ойида коронавирусга қарши 142,3 минг киши эмланиши режалаштирилган. Биринчи навбатда 65 ёшдан катталар ва коронавирус инфекциясини юктириб олиш хавфи юқори бўлган тиббиёт ходимларини эмлаш кўзда тутилган.

Шу мақсадда Қорақалпоғистон Республикасига ҳам айни пайтда 32 минг доза “AstraZeneca” ва Хитой ҳамда Ўзбекистон олимлари томонидан яратилган 32 минг 200 доза “ZF-UZ-VAC 2001” вакциналари олиб келинди. Нукус шаҳридаги эмлаш пунктларида иш қизғин.

▶ Давоми 3-бетда



Хаким йўлдошев олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
Қ А Р О Р И“ОБОД ҚИШЛОҚ” ВА “ОБОД МАҲАЛЛА” ДАСТУРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ  
БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация тармоқларини, ижтимоий соҳа ва бошқа инфратузилма объектларини қуриш-таъмирлаш ишларининг манзилли дастурлари тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. 2021 йилда барча туман ва шаҳардаги жами 7 794 та қишлоқ ва маҳаллада умумий қиймати 20,8 триллион сўмлик қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга оширишни назарда тутувчи:

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда аҳолини уй-жой билан таъминлаш чора-тадбирларини молиялаштириш манбалари 1-иловага мувофиқ;

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида ички йўллар, ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизими, электр энергияси ҳамда газ таъминоти объектларини қуриш ва таъмирлаш параметрлари 2, 2а–2н-иловаларга мувофиқ;

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида ирригация, алоқа ва ахборотлаштириш тизимларини яхшилаш, спорт ва болалар майдончалари барпо этиш, қишлоқ ва маҳаллалар кўчаларини ободонлаштириш параметрлари 3, 3а–3н-иловаларга мувофиқ;

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида ижтимоий соҳа объектлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари комплекслари, маҳалла гузарларини қуриш ва таъмирлаш ҳамда уй-жой фондидини яхшилаш параметрлари 4, 4а–4н-иловаларга мувофиқ;

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида жамоат транспорти, маиший чикиндилар билан ишлаш тизими ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш параметрлари 5, 5а–5н-иловаларга мувофиқ;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизими объектларини қуриш ва таъмирлаш параметрлари 6, 6а–6н-иловаларга мувофиқ;

ички йўлларни қуриш ва таъмирлаш параметрлари 7, 7а–7н-иловаларга мувофиқ; паст кучланишли электр тармоқларини янгиллаш ва модернизация қилиш параметрлари 8, 8а–8н-иловаларга мувофиқ;

туризм инфратузилмасини ривожлантириш параметрлари 9, 9а–9н-иловаларга мувофиқ;

кичик sanoat зоналари фаолиятини ривожлантириш параметрлари 10-иловага мувофиқ;

туман марказлари ва шаҳарларнинг мезморий қиёфасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш параметрлари 11, 11а–11н-иловаларга мувофиқ;

ирригация объектларини қуриш ва таъмирлаш параметрлари 12, 12а–12н-иловаларга мувофиқ;

газ таъминоти тизимини яхшилаш параметрлари 13, 13а–13н-иловаларга мувофиқ; алоқа ва ахборотлаштириш тизимини ривожлантириш параметрлари 14, 14а–14н-иловаларга мувофиқ;

ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва таъмирлаш параметрлари 15, 15а–15н-иловаларга мувофиқ;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари комплекслари, маҳалла гузарлари ҳамда маданият марказларини қуриш ва таъмирлаш параметрлари 16, 16а–16н-иловаларга мувофиқ;

жамоат транспорти ва маиший чикин-

дилар билан ишлаш инфратузилмасини ривожлантириш параметрлари 17, 17а–17н-иловаларга мувофиқ;

қишлоқ ва маҳаллалар кўчаларини ободонлаштириш параметрлари 18, 18а–18н-иловаларга мувофиқ;

спорт ва болалар майдончалари барпо этиш параметрлари 19, 19а–19н-иловаларга мувофиқ;

уй-жой фондидини яхшилаш параметрлари 20, 20а–20н-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Ариповга, зарур ҳолларда, Дастурлар параметрларига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг тақлифлари асосида ўзгартариш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

а) Дастурлар доирасида:

ижтимоий соҳа, ичимлик суви таъминоти, оқова сув тизими ҳамда йўл-транспорт инфратузилмаси объектлари учун ажратилмаган маблағлар тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларини ҳузуридаги “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” жамғармалари орқали молиялаштирилади;

электр энергияси, табиий газ ва телекоммуникация тармоқларини қуриш-таъмирлаш ишларини молиялаштириш тегишинча “Худудий электр тармоқлари” АЖ, “Худудгазтаъминот” АЖ, телекоммуникация операторлари ва провайдерларининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгашиларининг қарорларига асосан, Дастурларга тасдиқланган лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатлари ҳамда молиялаштириш манбалари мавжуд бўлган қўшимча лойиҳалар киритилиши ёки истиқбосиз лойиҳалар чиқариб ташланиши мумкин;

в) объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан Дастурлар доирасида ажратилган маблағлар етишмаган тақдирда, ушбу объектларни қуриш-таъмирлаш билан боғлиқ қўшимча харажатлар тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари маблағлари ҳисобидан қопланади;

г) 2021 йил 1 ноябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар марказларида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи комплексларини Қурилиш вазирлиги томонидан маъқуланган намунавий лойиҳаларга мувофиқ барпо этиш, шунингдек, тегишли инфратузилма қуриш учун зарур ер участкалари тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашиларининг қарорларига мувофиқ тадбиркорлик субъектларига тўғридан-тўғри (танлов савдоларини ўтказмасдан) шартномалар асосида ҳақ ундирилмасдан ажратилиши мумкин.

5. Дастурлар доирасида амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш ишлари бўйича буюртмачилар этиб:

ичимлик суви таъминоти объектлари (ижтимоий шериклик лойиҳалари бундан мустасно) бўйича — “Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” унитар корхонаси, соҳадаги ижтимоий шериклик лойиҳа-

лари бўйича — Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги;

ички автомобиль йўллари (Тошкент шаҳри кўчалари бундан мустасно) бўйича — Автомобиль йўллари қўмитаси ҳузуридаги “Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” давлат унитар корхонаси, Тошкент шаҳри кўчалари бўйича — Тошкент шаҳар ҳокимлигининг “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси;

электр энергияси, табиий газ ва алоқа тармоқлари бўйича — тегишинча “Худудий электр тармоқлари” АЖ, “Худудгазтаъминот” АЖ, телекоммуникация операторлари ва провайдерлари ҳудудий филиаллари;

ижтимоий соҳа объектлари ва марказлаган маблағлар ҳисобидан амалга ошириладиган бошқа объектлар бўйича — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларини ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниялари ҳамда вазирлик ва идоралар ҳузуридаги буюртмачи ташкилотлар белгилансин.

Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Дастурлар доирасида ички йўлларга қўшимча аралашмасини ётқириш билан боғлиқ ишларни бажариш тўғрисида тузилма шартномаларда 30 фоиз миқдорда олдиндан тўловни амалга ошириш назарда тутилди;

Дастурлар билан қамраб олинган ҳудудлардаги газ истеъмолчиларига электрон газ ҳисоблагичларини ўрнатиш ҳамда ушбу истеъмолчиларни табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимига улаш навбатсиз амалга оширилади.

6. Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов):

а) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг талабномаларига мувофиқ;

Дастурлар доирасида Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари орқали “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” жамғармаларига Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан жами 1 триллион сўмгача маблағлар;

Дастурларда кўзда тутилган тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш учун Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан жорий йил якунига қадар қайтарши шарт билан босқичма-босқич 1 триллион сўмгача бюджет сусдиси маблағлари ажратилишини таъминласин;

б) маҳаллий бюджетлар маблағлари, шунингдек, бошқа манбалар ҳисобидан қурилган ва давлат ихтиёрига топширилган ижтимоий соҳа объектларини сақлаш билан боғлиқ харажатларни 2021 йилда — тегишли соҳага ажратилган маблағлар доирасида молиялаштирсин, 2022 йилдан — Давлат бюджети параметрларида зарур маблағларни назарда тутсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари:

2021 йил 15 апрелга қадар қишлоқ ва маҳаллаларда йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация тармоқларини, ижтимоий соҳа ва бошқа инфратузилма объектларини қуриш-таъмирлаш ишларининг манзилли дастурига мувофиқ объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилишини таъминласин. Бунда, буюртмачилар томонидан лойиҳа ташкилотларини энг яхши тақлифларни танлаб олиш натижаларига кўра аниқлашга рухсат берилсин;

Дастурлар доирасида амалга ошириладиган ишлар ҳажми ва смета қийматларининг асоссиз равишда ошириб юборилмаслиги устидан назорат ўрнатсин;

Дастурларга киритилган қишлоқлар ва шаҳар маҳаллаларининг бош режа схемалари ва батафсил режалаштириш лойиҳалари ҳудудий лойиҳа ташкилотлари томонидан олдиндан ишлаб чиқилишини ва улар билан боғлиқ тадбирларнинг тегишли маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобидан молиялаштирилишини таъминласин; жойларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, яқка тартибдаги ва кўп квартиралли уйларни, маҳалла бинолари ва гузарларини таъмирлаш, пёйда йўлакларини барпо этиш, тунги ёришти ускуналарини ўрнатиш, шунингдек, бошқа инфратузилма объектларини қуриш ҳамда таъмирлаш ишларини молиялаштиришга аҳоли ва ташаббускор тадбиркорлар маблағлари, ҳомийлик ва хайрия маблағлари, тижорат банклари кредитлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан маблағлар жалб қилиш чораларини кўрсин;

ҳар ой якуни билан “Обод қишлоқ” дастурини амалга оширишни мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссияси (А.Ж. Рама-тов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Қурилиш вазирлигига Дастурлар доирасида бажарилган ишлар ва молиялаштирилган маблағлар бўйича ахборот киритиб борсин.

8. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А.М. Бобоев), Молия вазирлиги (Қ.Х. Тапаров):

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларини билан биргаликда Дастурлар доирасидаги лойиҳаларнинг ҳудудларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси ҳамда туризмни ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган, шунингдек, хорижий кредитлар ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳалар билан ўзаро боғлиқлигини таъминласин. Бунда, қишлоқ ва маҳаллаларнинг йўналишлари ва “ўсиш нуқталари”дан келиб чиқиб, Давлат бюджети параметрларида назарда тутилган 3 триллион сўмгача маблағ ҳудудлардаги инфратузилма лойиҳаларини қўшма молиялаштиришга йўналтирилсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2022 йил ва келгуси йиллар учун “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини тегишли йилга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури билан бир вақтда ва уйғунлашган ҳолда шакллантирсин ҳамда уларни молиялаштириш учун Давлат бюджети параметрларида зарур маблағларни назарда тутсин.

Бунда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳар йили 20 апрелга қадар тегишли туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгашиларининг қарорларига асосан келгуси йил учун “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларига киритилмаган қишлоқ ва маҳаллалар рўйхатини, шунингдек, уларда амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш ишларининг манзилли дастурларини Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига киритиш чораларини кўрсин.

Ўзбекистон Республикаси  
ПрезидентиТошкент шаҳри,  
2021 йил 2 апрель

9. Энергетика вазирлиги (А.С. Султонов) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Ш.А. Вафаев) билан биргаликда уч ой муддатда паст ва ўрта кучланишли электр тармоқларини янгиллаш ва модернизация қилиш дастурини амалга ошириш учун хорижий кредит маблағларини жалб қилиш чораларини кўрсин.

10. Транспорт вазирлиги (И.Р. Маҳкам-ов), Автомобиль йўллари қўмитаси (А.А. Абдувалиев) Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (А.Х. Қўлдошев), Давлат геология қўмитаси (Б.Ф. Исламов), Давлат экология қўмитаси (А.И. Максудов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ҳафта муддатда йўл қурилиши билан боғлиқ харажатларни мақбуллаштириш, шу жумладан, Автомобиль йўллари қўмитаси тизимидаги корхоналарни арзон қўшма-қўшма ҳисобидан таъминлаш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин.

11. Адлия вазирлиги (Р.Қ. Давлетов) икки ҳафта муддатда Дастурлар доирасида танлаб олинган қишлоқ ва маҳаллаларда давлат хизматлари марказлари филиалларини ташкил этиш бўйича манзилли дастурни тасдиқласин.

12. Қурилиш вазирлиги (Б.И. Закиров) Дастурлар доирасида объектларни қуриш-таъмирлаш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларининг белгиланган тартибда давлат экспертизасидан ўтказилишини ва қурилиш-монтаж ишлари сифатли бажарилишини устидан тизимли давлат назорати амалга оширилишини таъминласин.

13. “Обод қишлоқ” дастурини амалга оширишни мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссияси (А.Ж. Рама-тов) мунтазам равишда ҳудудларга чиқиб, Дастурлар ижросини таҳлил қилсин ва ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин.

14. Бош прокуратура (А.Ю. Мавлонов), Ҳисоб палатаси (Б.Т. Турабов) йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация тармоқларини, ижтимоий соҳа ва бошқа инфратузилма объектларини қуриш-таъмирлаш ишларини молиялаштириш учун ажратилмаган маблағлардан мақсадли ҳамда самарали фойдаланилиши юзасидан доимий назорат ўрнатсин ва ҳар ой якуни бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин.

15. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосарлари А.Ж. Рама-тов, Ж.А. Қўчқоров, Бош прокурор Н.Т. Йўлдошев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини ҳар ойда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

Амалга ошириладиган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳар ой якуни бўйича ахборот бериб борилсин.

Ўзбекистон Республикаси  
ПрезидентиТошкент шаҳри,  
2021 йил 2 апрель

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
Қ А Р О Р ИАНДИЖОН ВИЛОЯТИ АСАКА ТУМАННИ ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА АРХИТЕКТУРА  
ҚИЁФАСИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

3. Белгилансинки, Лойиҳани амалга ошириш доирасида:

“Avtosanoat-Injining” МЧЖ танланган ҳудудда “Business city” замонавий ишбилармонлик марказлари қурилиши бўйича лойиҳаларни амалга ошириш доирасида дирекциялар учун қонунчиликда назарда тутилган объектларни қуриш ва улардан фойдаланиш дирекцияси функциялари ва вазифаларини, хусусан, буюртмачи функцияларини бажариш, қурилишни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш ҳамда объектлардан фойдаланишни амалга оширади; инвесторлар “Ўзавтосаноат” АЖ ва “Avtosanoat-Injining” МЧЖ вакиллари ишти-

рокида Андижон вилояти ҳокимлиги қошидаги “Business city” замонавий ишбилармонлик марказлари ҳудудда лойиҳалар ташаббускорларини танлаб олиш ва жойлаштириш бўйича танлов комиссияси томонидан ўтказиладиган энг яхши инвестиция тақлифларининг танлови яқунлари бўйича жалб қилинади;

Лойиҳани амалга оширишда иштирок этувчи — дирекция функцияларини бажарувчи юридик шахс, инвесторлар, бош пудрат ташкилотлари ҳамда ташкилотлар-норезидентларга нисбатан “Business city” замонавий ишбилармонлик марказлари қурилиши бўйича лойиҳаларни амалга ошириш доирасида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган солиқ ва боғжона имтиёзлари таъбиқ этилади;

Лойиҳани амалга ошириш учун суғорил-

диган ер майдони ажратилиши билан боғлиқ қишлоқ ҳўжалиги ва ўрмон ҳўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари ўрнини қоплаш бўйича тўланадиган компенсация тўловлари, истисно тариқасида, ундирилмайди.

4. Андижон вилояти ҳокимлиги:

а) Молия вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси ва “Ўзбектелеком” АК билан биргаликда:

бир ой муддатда Лойиҳани амалга оширишда муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилма объектларини ташкил этиш бўйича тармоқ жадваллари ишлаб чиқилишини ва тасдиқлишини;

Лойиҳа объектларининг жойлашувиغا мувофиқ, Андижон вилоятининг маҳаллий

бюджети, шунингдек, хизматларни етказиб берувчилар маблағлари ҳисобидан Лойиҳанинг бўлини чегарасига қадар зарур муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилма объектларини қуриш ва модернизация қилиш ишлари бажарилишини;

б) суғорилмаган ер майдонлари қисқариб кетишининг олдини олиш мақсадида Лойиҳа учун ажратилаётган суғорилмаган ер майдон-

нига тенг миқдорда янги ерлар узлаштирилишини таъминласин.

5. Қурилиш вазирлиги Лойиҳа амалга ошириладиган ҳудуддаги объектларда қурилиш-монтаж ишлари шаҳарсозлик нормалари ва қондаларига риоя этилган ҳолда бажарилиши устидан белгиланган тартибда назорат ўрнатсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
ПрезидентиТошкент шаҳри,  
2021 йил 2 апрель

Ш. МИРЗИЁЕВ

МУНОСАБАТ



# ЎЗЛИК САРИ ЙЎЛ

Бошланиши 1-бетда

Ўтмишга, яқин юз йилликка назар солсангиз, тилимизга бўлган эътибордан дилингиз хира тортиши тайин. Дунё аҳлига Навоий, Бобур каби даҳоларни берган она тилимиз узок йиллар сиёсий қатагонни бошидан кечирди. Бу тилда на илм-фан қилинди, на у сиёсат тилига айланди. Маҳаллий тил жиддий мавзулардаги мунозараларга ярамайди, деган камситувчи қараш уни рўзгор тилига, маънавий мавзулар тили даражасига тушириб қўйди.

Бу руҳий мустабидлик эди. Ва бу истило моҳият эътибори билан сиёсий-иқтисодий қарамликдан, қўлликдан кўра даҳшатлироқ ва фожалироқ бўлган. Нимага десангиз, бу зехният, миллатнинг тафаккури билан боғлиқ масала эди.

**Мен узок йиллар давлат идоралари тизимида ишлаганман. Мустақиллик йиллари ҳам бундан мустасно эмас. Ва тажрибаларимга таяниб шуни айтишим мумкинки, она тилимиз ҳеч маҳалда (давлат тили бўйича қонун қабул қилинганга ўттиз йил бўлаётган бўлса-да,) маъмурий ва техник соҳаларда, сиёсатда, илм-фанда восита сифатида қўлланмаган. Буни тасаввур қилиш ҳам мумкин эмас эди. Аммо бугун ҳам дамийликда, айниқса, сиёсий доираларда бундан тўлиқ воз кечилди, деб айтолмайман.**

Бироқ ҳайратланарли бир муҳажир борки, у қалбинга нур олиб киради, гўё. Бу — Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг миллий масалаларда кўрсатаётган ибратли ҳаракатлари, муз каби қотиб қолган ақидаларни миллатимизга, ўзгичилигимизга бўлган қалб кўри, меҳру муҳаббати билан аста-секин эриштираётгани мисолида янада бўртибқўри кўринади.

Ўзингиз ўйланг, нафақат давлатлараро муносабатларда, балки маъмурий жабҳаларда ҳам “ҳукмрон тил” таъсиридан чиқиб кетолмаган жамиятда фақуллодда миллий тилни ҳатто сиёсат тили даражасига кўтаришга ҳаракат қилишга қайси замонда ва ким журъат қилган?!

Ҳатто ён қўшилари билан ҳам юз йиллик “протокол”га содиқ қолган ҳолда рус тилида музокаралар ўтказиб келмадикми? Ҳолбуки, улар билан тилимиз ҳам, динимиз ҳам, қадрият тарихимиз ҳам бир. Аслида бу ҳолат иқтисодий ва сиёсий масалада мустақил бўлган ҳолда, миллий жабҳада бировга қарам бўлиб, ўтмиш ва миллий ўзликдан тайсаллаб туриш мафкуравий жиҳатдан тўла мустақил бўлганганимизни аниқлатарди.

Шу маънода, муҳтарам Президентимизнинг мустақил Ўзбекистон тарихида илк бор БМТ минбаридан ўзбек тилида нутқ сўзлаши миллий масалада инқилобий қадам бўлди.

Аммо бу ишнинг нақадар чуқур маънога эга, қадр-қиммати юзлаб йиллар топталган, камситилган миллий ўзликнинг шону шавкатини жойига қўйиш, дунёда ўзбек деган буюк бир миллат ва унинг жаҳон тамаддуни бешикларини тебратган сонсиз алломаларга илҳом берган ўлмас тилини кўрсатишга, эслатиб қўйишга бўлган мардона ҳаракат эканини англайдиган жамоатчилик бизда шаклланганми?

Одам бу борада тортинмай “ҳа” дейишга истиҳол қилади, тўғриси. Шу ҳақда ўйлаганимда, кўпчилик ҳолларда бобомиз Махмуд аз-Замаҳшарийнинг бир ҳикмати ёдимга тушади: “Бамисоли тумов киши гулнинг хидини билмаганидек, аҳмоқ киши ҳам ҳикматнинг қадрини билмайди”.

Таассуфки, кўпчилик ҳолларда шундаймиш. Бўлаётган ишлар, жараёнлар моҳиятини тўғри англамаймиш. Бироқ уни англайдиган, бу ҳаракатларнинг қадрини билладиган миллатдошларимиз йўқ эмас.

Жаҳон саҳнасидаги ўша тарихий нутқдан кейин ундан илҳомланган, руҳланган одамлар кўп бўлди. Улардан бири, афғонистонлик ўзбек генерали, афғон ўзбеклари етакчиси Абдурашид Дўстумдир. Мана, у бу жараёнга қандай муносабат билдирган эди: “...Ўзбекистон Президенти ушбу чиқишининг тарихий аҳамияти шундан иборатки, БМТ тарихида илк мартаба мустақил Ўзбекистон раҳбари ўзбек тилида нутқ сўзлади. Мен бундан шахсан ўзим ўзбек ўғли ва афғонистонлик ўзбекларнинг раҳбари сифатида фахрланаман. Бу биз учун юксак ифтихордир. Ўзбек тилида сўзланган бу нутқ нафақат 34 миллионлик Ўзбекистон аҳлини, балки дунёдаги қўллаб маиллатларда яшовчи миллатдошларимизни, хусусан, Афғонистондаги ўзбекларни ҳам чин маънода гурурлантирди”.

Бу — қалбда миллий ғурури ўлмаган, ўтмиши ва ўзгичидан фахрланмаган одамнинг самимий сўзлари, деб ўйлайман.

Мени шу сўзларни ёзишга ундаган яна бир воқеа бор. Хабарингиз бор, кечагина Венгрия давлати Бош вазيري Виктор Орбан жаноблари юртимизга расмий ташриф билан келди. Музокаралар ҳар икки давлатнинг миллий тилида ташкил этилди. Эътибор қилинг, келишув ва барча дипломатик жараёнлар биз томондан ўзбек тилида олиб борилди. Венгрия Қозоғистон, Қирғизистон ва ёки Туркманистон каби минтақадошимиз эмас, балки Европанинг ўртасида жойлашган, ЕИ аъзоси бўлган давлатдир. Ҳолбуки, дунё дипломатисидеа БМТ тили, барчага тушунарли тил деганга ўхшаш стереотиплар мавжуд...

Лекин Президент Шавкат Мирзиёев сиёсий жараёнда ўз тилини қўллашни маъқул кўрди. Юзлаб йиллар давомида амалда бўлиб келган “дипломатик протокол”лар бузилди, дунёда бирорта тилдан кам бўлмаган она тилимиз мақоми кўтарилди. Унда бемалол сиёсат — халқаро сиёсат юритиш мумкин экани исботланди.

**Шу кунларда “Аёллар дафтари” масалалари бўйича мамлакатимизнинг чекка қишлоқ ва овулларидеа юрибмиз. Тўғриси, ҳаётини аччиқ-чучугини кўрган одамлар билан суҳбатларда уларнинг юз-кўзлари, гап-сўзларида ўз**

**Юртбошисига нисбатан чексиз меҳр барқ этиб турганини яққол кўрдик. Ҳа, ҳа, оддий одамлар, қишлоқларда яшаётган соддадил ва мунис аёлларимиз ҳам Шавкат Мирзиёевнинг миллат ғурурини кўтариш борасидеаги бу ислохотларидан чексиз фахр ва ифтихор туймоқда. Навоийлик кекса муаллима Анора опа бу ишлар халқнинг дилидаги ишлар, дея кўзларига ёш олганида, қанчалар таъсирланганимизни айтинг...**

Энди айтинг, узок йиллар давомида шаклланган тайёр форматдан юз буриб, ўз ташқи сиёсатига янги омилларни — мутлақо миллий руҳни киритишга ҳаракат қилиш учун одам қай даражада миллатпарвар ва ватанпарвар бўлиши керак?!

Ушбу учрашувни кузатиб, давлат сиёсатида миллий идентитет — ўзликни таниш, тарихий ҳақиқатларга реал баҳо бериш масаласида ҳам қарашлар биз кўнжиммаган томонга бурилганини англаш мумкин. Хусусан, давлатимиз раҳбари венгер халқи ҳақида гапирга туриб, икки халқни яхлит тарихий томирлар туташтириб туришини эътибор этди. Биз узок йиллар келиб чиқиши Марказий осийлик бўлган бу халқдан ётираб келдик. Уларнинг ўтмиши ҳақидаги битикларни ёпиб қўйдик, ҳаттоки, уларни Европага юриш қилган варварлар дея аташдан тийилмадик.

Ёки куни кеча бўлиб ўтган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг норасмий саммитини олайлик. Ушбу саммитда Ўзбекистон Президентининг Туркий кенгашининг илм-фан, таълим, маданият ва санъат соҳаларини, шунингдек, туркий дунё бирлигини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган атоқли шахсларни рағбатлантириш мақсадида халқаро мукофот таъсис этиш ҳақидаги таклифини ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарлари маъқуллади. Ва ушбу мукофотни Мир Алишер Навоий номи билан аташ ҳақидаги таклиф ҳам қўллаб-қувватланди.

Саммитда Алишер Навоий нафақат туркий тил ривожига, балки бутун башарият тамаддунига ҳисса қўшган улкан мерос қолдиргани айтилди. Чексиз мамнуният билан айтиш мумкинки, бу ҳам тилимизга, ҳам миллатимизга бўлган улкан ҳурматнинг эътирофи бўлади.

Ана шу икки муҳим воқеалиқ қадимий тилимизнинг расмий музокаралар тилига айлиниб бораётганидан далолатдир. Шубҳасиз, бу барчамизга чексиз қувонч, гурур-ифтихор баш этмоқда.

Буюк ишлар, эврилашлар ҳар доим ҳам шовқин-сурон билан бўлмаслиги мумкин. Улкан дараёлар сокин оқади, дейишди. Шу маънода, бугун бизга жуда жўн, одатийдай қўринаётган бу ҳаракатлар аслида жуда салмоқли ва тарихийдир.

Айтиш мумкин бўлса, юқорида айтганимиз — миллий мафқурани, бизда ҳали хамон тўла шаклланмаган мафқурани оёққа қўйишда ушбу омил — ўзликни англаш, миллий тил ва тарихни улуғлаш, уларнинг қадр-қимматини жойига қўйиш муҳим омил бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

ФАРМОН ВА ИЖРО

Бугунги кунда мамлакатимиз халқ ҳўжалигининг турли тармоқлари, жумладан, тупроқшунослик соҳаси ривожини янги инновацион йўналишлар, ишланмаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Тупроқшуносликда инновацион ечимларнинг қўлланилиши, биринчи навбатда, қишлоқ ҳўжалиги тармоғининг асосий бўғини бўлган тупроқдан самарали фойдаланиш, унумдорлигини сақлаш ва ошириш, уларни соғломлаштириш, қишлоқ ҳўжалиги ер эгаларига тезкор ҳамда сифатли хизмат кўрсатишга қаратилган. Президентимизнинг 1 апрель куни қабул қилган “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонида ҳам ушбу йўналишга алоҳида эътибор қаратилди.

## ТУПРОҚШУНОСЛИКНИНГ ЗАМОНАВИЙ ВА ИННОВАЦИОН ИЛМИ ЯРАТИЛАДИ



**Шўҳрат БОБОМУРОДОВ, Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти директори, биология фанлари доктори**

Унда Инновацион ривожланиш вазириликнинг 2021-2022 йиллардаги устувор фаолият йўналишларидан бири сифатида тупроқ унумдорлигини ошириш соҳасида тупроқ ресурслари ҳолатини комплекс мониторинг қилиш тизими ҳамда ресурс тежамкор сугориш ва ўғитлантириш аргротехнологияларини яратиш вазирилик белгилаб берилди. Бунда ҳудудларда мобил лабораториялар тармоғини ташкил этиб, тупроқдаги мавжуд фойдали ва зарарли моддаларни аниқлаш асосида қишлоқ ҳўжалиги экинларининг агрокимёвий хариталарини ишлаб чиқиш ҳам асосий ўрин тутди.

Охириги йилларда тупроқ унумдорлигини сақлаш, ошириш ва уларни муҳофаза қилиш борасида Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жаҳондаги асосий экологик муаммолардан бўлган глобал иқлим ўзгариши ҳамда сархронлиш натижасида Орол денгизининг қуриши оқибатида юртимизнинг жанубий ҳудудларида юзага келган оғир шароитларни ўрганиш, уларнинг оқибатларини бартараф этиш борасида тадқиқотлар олиб борилди. Бу ишларнинг самарасида иқлим ўзгариши ва денгиз қуришининг атраф-муҳитга етказиётган салбий таъсирини камайтириш, шунингдек, биотизимларнинг адаптация жараёнларини муайянлаштириш, Оролбўйи тупроқ ресурсларидан самарали фойдаланишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишга илмий асос яратилди.

Аммо соҳада муаммолар ҳам етарли. Улардан бири тупроқларнинг шўрланishi бўлиб, ҳозирги кунга келиб, мамлакатимизнинг деярли 47 фоиз майдони турли даражада шўрланган. Уларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш борасида институти олимлари томонидан амалга оширилган бир қатор ишлар натижасида Сирдарё вилояти бўз-ўтлоқи ва ўтлоқи тупроқларининг “Тупроқ шўрланishi картограммаси” тузилди. Ушбу картограммалар билан бирга, тупроқ-географик ҳамда тупроқ-мелiorатив ҳудудий маълумотлари қайта таҳлил қилинди. Улар асосида республиканинг турли литологик-геоморфологик, гидрогеологик, тупроқ-иқлим, инсон-ҳўжалик шароитларида сугориладиган ерларда оптимал мелiorатив режимларни яратиш бўйича табақалаштирилган схемалар, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Айни пайтда ҳудудларда қишлоқ ҳўжалиги экинларини оптимал жойлаштириш вазирилик бажарувчи “Тупроқ хосса-хусусиятлари кўра экинларни жойлаштириш” дастурий таъминоти танлаб олинган қишлоқ ҳўжалиги экинлари учун табиқ қилинмоқда. Белгиланган мезонлар асосида экинларни оптимал жойлаштиришнинг микдорий ва фазовий хусусиятлари аниқланиб, тупроқ хосса-хусусиятлари кўра, дастурдан фойдаланиш бўйича қўлланма ишлаб чиқилди.

Бу соҳада илгор технологияларни кенг жорий этишга бўлган талаб, айниқса, охириги йилларда ортиб бормоқда. Бунинг натижасида институтида яна бир инновацион янгилик — “тупроқ клиникаси” номи остида ишлаб чиқарилаётган мобил лабораториялар яратилди. Қишлоқ ҳўжалиги вазирилик ва Инновацион ривожланиш вазирилик икки ташкил этиладиган мобил лабораторияларнинг асосий моҳияти ер эгаларига даланинг ўзида тупроқ ҳолати, тупроқдаги озуқа моддалар баланси ҳақида маълумотлар беришдан иборат. Транспорт ичда ташкил этиладиган мобил лабораторияларнинг асосий моҳияти ер эгаларига даланинг ўзида тупроқ ҳолати, тупроқдаги озуқа моддалар баланси ҳақида маълумотлар беришдан иборат. Транспорт ичда ташкил этиладиган мобил лабораторияларнинг асосий моҳияти ер эгаларига даланинг ўзида тупроқ ҳолати, тупроқдаги озуқа моддалар баланси ҳақида маълумотлар беришдан иборат. Транспорт ичда ташкил этиладиган мобил лабораторияларнинг асосий моҳияти ер эгаларига даланинг ўзида тупроқ ҳолати, тупроқдаги озуқа моддалар баланси ҳақида маълумотлар беришдан иборат.

Бугунги кунда мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалигида агрокластерларнинг мавқеи ортиб борапти. Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти улар билан яқиндан ҳамкорликини йўлга қўйган. Жумладан, Бухоро вилояти Пешку туманидаги “Бухоро сервис Агрокластер” МЧЖ, Қоро-вулбозор туманидаги “Бухоро Агрокластер заминлари” МЧЖ ва Тошкент вилояти “ТСТ Agro Cluster” МЧЖ хорижий агрокластерлари билан меморандумлар имзоланиб, институти олимлари томонидан кластерлар ер майдонларида тупроқларнинг ҳолати, озуқа моддалари билан таъминланганлиги даражаларини аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказилмоқда. Олинган маълумотлар асосида тупроқ унумдорлигини ошириш ва қишлоқ ҳўжалик экинларидан юқори ҳосил олиш бўйича илмий маслаҳатлар берилаяпти.

Тупроқшунослик соҳасидаги мавжуд муаммолар ва ечимини кутаётган масалаларни ҳал қилиш мақсадида институти му-тахассислари томонидан келгусида мобил лабораториялар тизими орқали тупроқларнинг ҳолатини диагностика қилиш ҳамда унумдорлигини ошириш бўйича илмий-амалий тавсиялар бериш, уларнинг соғломлик даражасини баҳоловчи тупроқ-экологик хариталарини ишлаб чиқиш, сунъий интеллект технологиялари асосида тупроқ ресурсларини комплекс мониторинг қилиш ва бошқаруви тизимининг инновацион таъминотини яратиш, геоахборот тизими технологиялари ёрдамида деградациясини баҳолаш ва хариталаш каби йўналишлар бўйича тадқиқотларни амалга ошириш режалаштирилган.

Юқорида келтирилган инновацион ечимлар, йўналишлар, ишланма ҳамда аргротехнологиялар мамлакатимизнинг барча вилоятларида тупроқ-экологик шароитларини яхшилаш, қишлоқ ҳўжалиги экинларини илмий асосда жойлаштириш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва қайта тиклаш, ер қадстрини тўғри юритиш ва ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишда асос бўлиб хизмат қилади.

ВАКЦИНАЦИЯ



Бошланиши 1-бетда

— Ҳудудимизда коронавирусга қарши эмлаш мақсадида 65 ёшдан катта 4 минг 122 нафар фуқаро аниқланиб, умумий базага киритилган. Эмлаш тадбирлари бошланишидан олдин улар ўртасида сўров ўтказилди, — дейди Нукус шаҳридаги 8-оилавий поликлиника бош шифокори Табассум Рўзметова. — Ҳозир фуқаролар ўз ихтиёри билан келиб, эмланиб кетмоқда. Шунингдек, поликлиникамиздаги тиббиёт ходимларини эмлаш белгиланган. Бунинг учун

тажрибали шифокорлардан 4 та бригада тузилган.

Поликлиникада эмлашдан олдин фуқароларни тиббий текшириш, дам олиш хоналари ташкил этилган.

Ҳудуд аҳолисини коронавирусга қарши эмлаш учун 200 донда “AstraZeneca”, шунча миқдорда “ZF-UZ-VAC 2001” вакциналари етказилган бўлиб, улар тегишли шароитда сақланмоқда.

— Мен “Байтерек” маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қиламан. Ёшим 72 да. Бу ерга ўз хоҳишим билан келдим ва ви-

русга қарши эмландим. Биринчи навбатда, бизга ўхшаган 65 ёшдан катталарнинг эмланаётганини нурунийларга давлатимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор, деб биламан, — дейди Тиле-ген ота Ажиниёзов.

Ҳар бир киши эмлашдан олдин тиббий текширувдан ўтказил-япти. Шифокорлар фуқароларга эмлангандан сўн нималарга аҳамият бериш кераклиги хусусида маълумот бермоқда. Шунингдек, эмланган фуқаролар шифокорларнинг доимий назоратида бўлади.



ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ

ҲАР БИР ХОНАДОНДАН ҲОЛ СЎРАЛЯПТИ, КЎМАК БЕРИЛЯПТИ

Гуличехра ДУРДИЕВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири

ИШЛИ БЎЛДИК, ДАРОМАДИМIZ ХАМ КЎПАЯДИ

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 18-19 март кунлари Тошкент вилоятига ташрифи чоғида берган топширигига мувофиқ, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳамда "Томорқа хизмати" МЧЖ мутахассислари иштирокида тузилган ишчи гуруҳ аъзолари билан бирга вилоятнинг Оққўрғон ва Кўйи Чирчиқ туманларида бўлди.

Оққўрғон тумани "Элтамғали" маҳалласининг Нурли кўчасидаги 13-уйга кириб борганимизда, томорқада иссиқхона қурилиши ниҳоясига етаётганини кўрдик.

— Оилавий шароитимиз оғир, иккинчи гуруҳ ногиронияман, анча вақтдан бери астамдан азият чекаман, — дейди хонадон соҳибаси Карима опа. — Келиним "Аёллар дафтари"га киритилган. Маблағимиз йўқлиги сабабли томорқамизда экин экишга қийналаётган эдик. Мана, масъуллар уйимизга келиб, ўзлари бир сотих ерга бепул



яти чекланган жамияти раҳбари Рустам Абдуллаевнинг айтишича, "Темир дафтар" ҳамда "Аёллар дафтари"да рўйхатда турган Карима опага ушаган яна 18 хотин-қизга туман Бандликка кўмаклашши маркази ҳисобидан бепул иссиқхоналар қуриб бериляпти.



иссиқхона қуриб, камига кўчат ҳам берди. Ишли бўлди, насиб бўлса, энди даромадимиз ҳам кўпаяди. Кўчамиздаги ҳар бир хонадонга кириб, ҳол сўралапти, кўмак бериляпти. Илгари бунақа ишларни тасаввур қилиш қийин эди. Шундай хайр-саховатли, эзгу ишларни йўлга қўйган давлатимиз раҳбарига минг раҳмат! "Сифатли томорқа хизмати" масъули-

лини қийнаётган муаммоларни тизимли ўрганиб, амалий ёрдам кўрсатяпти. Утган йили вилоятдаги 245 та маҳалла "Бир маҳалла — бир маҳсулот" тамойили асосида ихтисослаштирилиб, маҳсулот етиштириди. Жорий йилда ҳам бундай эзгу ишлар давом эттирилиб, 296 та маҳаллада қўриқдаги тамойил асосида маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Экин ишлари суст бўлган 86 та маҳалла алоҳида назоратта олиниб, томорқаларни экишга тайёрлаш ва кўчатлар экишда ёрдам кўрсатилляпти.

— Аҳоли томорқаларида чорвачилик, паррандчилик, қуёнчилик, балиқчилик, асаларчилик ва боғдорчиликни ривожлантириш орқали фуқаролар даромадини икки баробар ошириш кўзда тутилган, — дейди Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ер эгаларни қўллаб-қувватлаш жамғармасидан 38 миллиард 500 миллион сўм, тижорат банкларида эса 24 миллиард сўм ажратилди.

Вилоятдаги аҳоли томорқаларига экин учун кенгаш хузуридаги Қува томорқачилик марказидан 51 минг туп, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларидан 149 минг туп мевали дарахт кўчати арзон нархларда олиб келинди ва тарқатилмоқда. Ҳозиргача 576 минг туп сабзавот кўчати экин учун аҳолига берилди.

"Аёллар дафтари"га кирган 1933 кишига салоҳиятли фермерлар ва томорқа хизмати корхоналари бириктирилди. Уш улар томонидан 170 та томорқа экишга тайёрланди, 2410 туп мевали дарахт кўчати, 9600 та сабзавот ниҳоли бепул етказилиб, 23 та ихчам иссиқхона қуриб берилди. Бугунги кунда Оққўрғон туманида 3 та "Томорқа хизмати" МЧЖ фаолияти йўлга қўйилган. Улар томонидан 21 та маҳалладаги 13808 та хонадонга 100 минг туп кўчат тарқатилди. Томорқачилар 15 та мотокультиватор билан таъминланди. "Темир дафтар"даги 348 та хонадонга маҳаллий бюджет маблағи ҳисобидан 3500 та кўчат олиб берилди.

Биз борган "Элтамғали" маҳалласидаги Ўрикзор, Нурли, Дўстлик кўчалари шариоти оғир ҳудуд ҳисобланади. Аҳолининг ўз томорқаларидан самарали фойдаланиши аҳоли ўрганилганда, хонадонларнинг 15

фоизда томорқа шудгорланмагани, 36 та-сида мевали дарахт экилмагани аниқланди.

Муаммоларни жойида ҳал этиш мақсадида "Жумадулло Шукрулло томорқа хизмати" МЧЖ томонидан мотокультиватор ёрдамида томорқалар шудгорланиб, экишга шай қилиб қўйилди. Урганиш жараёнида 8 та хонадон эгаси иссиқхона қуриш, 3 та хонадон эгаси товуқ ва қурка, битта хонадон эгаси эса қуён ва асалари боқиб истагини билдирди. Шу боис, улар имтиёзли кредит олувчилар рўйхатига киритилди.

"АЁЛЛАР ДАФТАРИ"ДАН ЧИҚИБ, ТАДБИРКОРГА АЙЛАНДИМ

Халқимизда "Ерни боқсанг, ер сени боқади", деган доно нақл бор. Бугунги кунда ҳар жаҳода бўлаётган ўзгаришлар, янгилашлар инсонни изланишга ундаши табиий. Айниқса, томорқаси бор фуқаролар учун имкониятлар кўлами жуда ҳам кенгайди.

